



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI

Farg'ona sh., Alisher Navoiy ko'chasi, 15-uy

2021 -yil 22 - may _____ 202 -son

Farg'ona sh.

Фарғона вилояти ҳокимининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиб тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармони билан 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Фарғона вилояти ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Туман (шаҳар) ҳокимликлари 2021 йилнинг 1 июнига қадар:
ўзлари қабул қилган норматив тусдаги қарорларини хатловдан ўтказсин ҳамда хатлов натижасида аниқланган эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини бекор қилиш юзасидан қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда regulation.gov.uz порталида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказсин;

жамоатчилик муҳокамаси натижаларидан келиб чиқиб, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорларини бекор қилиш бўйича қарор қабул қилиш чораларини кўрсин.

4. Туман (шаҳар) ҳокимликлари норматив тусдаги қарор лойиҳаларини белгиланган тартибда адлия органларидан ҳуқуқий экспертизадан

Ўтказилишини, шунингдек қабул қилинган норматив тусдаги қарорларни ҳокимлик расмий веб-сайтида ҳамда расмий эълон қилиш манбалари (газета)да эълон қилиш ҳамда ўз вақтида давлат ҳисобига олиш учун вилоят адлия бошқармасига юборилишини таъминласин.

Фарғона вилоят адлия бошқармаси (Б.Хасанов) юқорида белгиланган тартибда амал қилмаётган масъул шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш учун вилоят ҳокимлигига таклиф киритиб борсин.


5. Вилоят ҳокимлиги Матбуот хизмати (Д.Жумабоев) мазкур қарор расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Ўринбоев зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Х.Бозаров



Фарғона вилояти ҳокимининг

2021 йил 22 майдаги 102-сон қарорига

ИЛОВА

**Фарғона вилояти ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб
эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Фарғона вилоят ҳокимининг 1998 йил 2 мартдаги 37-сон “Дехқон, буюм бозор акционерлик жамиятларида бир марталик йиғим ва пуллик хизмат тўловларининг янги миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги қарори.

2. Фарғона вилоят ҳокимининг 1999 йил 10 февралдаги 51-сон “Дехқон, буюм бозорлари акционерлик жамиятларида бир марталик йиғим ва пуллик хизмат тўловларининг янги миқдорини белгилаш тўғрисида”ги қарори.

3. Фарғона вилоят ҳокимининг 1999 йил 18 февралдаги 56-сон “Дор-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарори.

4. Фарғона вилоят ҳокимининг 1999 йил 4 июндаги 164-сон “Вилоятда йўловчи ташиш транспорти фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

5. Фарғона вилоят ҳокимининг 2001 йил 30 октябрдаги 251-сон “Дехқон, буюм бозорлари акциядорлик жамиятларида бир марталик йиғим ва пуллик хизмат тўловларининг янги миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги қарори.

6. Фарғона вилоят ҳокимининг 2002 йил 21 октябрдаги 188-сон “Хўжалик субъектларидаги эски русумдаги назорат касса машиналарини фискал хотирали назорат касса машиналари билан босқичма-босқич алмаштириш тўғрисида”ги қарори.

7. Фарғона вилоят ҳокимининг 2002 йил 22 ноябрдаги 207-сон “Вилоят бозорларини истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

8. Фарғона вилоят ҳокимининг 2003 йил 14 февралдаги 27-сон “Фарғона вилоятидаги қўлланиладиган ижара ҳақининг ягона энг кам ставкалари тўғрисида”ги қарори.

9. Фарғона вилоят ҳокимининг 2004 йил 22 ноябрдаги 312-сон “Фарғона шаҳрида йўловчи ташиш фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги қарори.

10. Фарғона вилоят ҳокимининг 2005 йил 4 январдаги 1-сон “Вилоятдаги қўлланиладиган ижара ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида”ги қарори.

11. Фарғона вилоят ҳокимининг 2005 йил 25 февралдаги 77-сон “Фарғона вилоятининг ички бозорларига кўшни чегарадош вилоятлар орқали сифатсиз товарларни кириб келишини олдини олиш тўғрисида”ги қарори.

12. Фарғона вилоят ҳокимининг 2005 йил 3 майдаги 149-сон “Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан компенсация тўловлари тўланишини тартибга солиш тўғрисида”ги қарори.

13. Фарғона вилоят ҳокимининг 2005 йил 15 июндаги 195-сон “Вилоят ҳудудидаги бозорларда бир марталик ва пуллик хизмат тўловларининг янги миқдорини белгилаш тўғрисида”ги қарори.

14. Фарғона вилоят ҳокимининг 2005 йил 13 декабрдаги 342-сон “2006-2010 йилларга мўлжалланган академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг битирувчи кадрларини сифатли ва мақсадли тайёрлаш ҳамда иш билан таъминлаш вилоят ҳудудий дастури тўғрисида”ги қарори.

15. Фарғона вилоят ҳокимининг 2012 йил 4 январдаги 2-сон “Фарғона вилояти Фавқулудда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

16. Фарғона вилоят ҳокимининг 2013 йил 30 августдаги 180-сон “Вилоятда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларини автобус ва микроавтобусларда имтиёзли ва бепул ташишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.

17. Фарғона вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 сентябрдаги 183-сон “Вилоятда меҳнат мигрантларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

18. Фарғона вилоят ҳокимининг 2013 йил 18 сентябрдаги 192-сон “Вилоятда кўп қаватли турар жой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқарув компанияларини қўллаб қувватлаш ҳақида”ги қарори.

19. Фарғона вилоят ҳокимининг 2013 йил 19 сентябрдаги 194-сон “Вилоятда ўтказиладиган “Меҳнат ярмаркалари”нинг самарадорлигини ошириш ҳамда уларни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори.

20. Фарғона вилоят ҳокимининг 2013 йил 19 сентябрдаги 195-сон “Вилоятнинг Кувасой шаҳри, Кува ва Фарғона туманларида айниқса, давлат чегара худудларидаги аҳолининг маиший ва турмуш шароитини яхшилаш, чет давлатларга ноқонуний иш излаб чиқиб кетган фуқароларни қайтариш, уларни кафолатланган иш ўринлари билан таъминлаш, ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг самарадорлигини янада ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори

21. Фарғона вилоят ҳокимининг 2014 йил 31 январдаги 25-сон “2014 йил учун мол-мулк, ер ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчи жисмоний шахсларни ҳисобга олиш, уларга солиқларни ҳисоблаш ва имтиёزلарни қўллаш тўғрисида”ги қарори.

22. Фарғона вилоят ҳокимининг 2014 йил 10 декабрдаги 301-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сонли қарори ҳамда Фарғона вилоят маҳаллий бюджетининг 2015 йил учун белгиланган асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги қарори.

23. Фарғона вилоят ҳокимининг 2014 йил 30 декабрдаги 319-сон “Вилоятда ижара муносабатларини тартибга солиш ҳамда 2015 йил учун қўлланиладиган ижара ҳақини ягона энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

24. Фарғона вилоят ҳокимининг 2015 йил 29 декабрдаги 289-сон “Фарғона вилоятининг 2016 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори.

25. Фарғона вилоят ҳокимининг 2015 йил 29 декабрдаги 290-сон “Вилоятда ижара муносабатларини 2016 йилда давлат кўчмас мулклари учун қўлланиладиган ижара ҳақининг ягона энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

26. Фарғона вилоят ҳокимининг 2016 йил 28 мартдаги 104-сон “Вилоят худудида қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайхон қилинишига барҳам бериш тўғрисида”ги қарори.

27. Фарғона вилоят ҳокимининг 2016 йил 22 апрелдаги 140-сон “Вилоятда маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва ташиб кетиш фаолиятини тартибга солиш ҳақида”ги қарори.

28. Фарғона вилоят ҳокимининг 2016 йил 6 майдаги 159-сон “Фарғона вилояти худудида ташқи реклама мосламаларини жойлаштириш тартибини ва тарифини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

29. Фарғона вилоят ҳокимининг 2016 йил 28 майдаги 179-сон “Ёнилғи-мойлаш материаллари ҳамда дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан савдо қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

30. Фарғона вилоят ҳокимининг 2017 йил 4 февралдаги 52-сон “Вилоятда аҳоли хонадонларида парранда боқиш ишларини ташкил этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

31. Фарғона вилоят ҳокимининг 2017 йил 11 февралдаги 63-сон “Вилоятда ижара муносабатларини тартибга солиш ҳамда 2017 йилда давлат кўчмас мулклари учун қўлланиладиган ижара ҳақининг ягона энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

32. Фарғона вилоят ҳокимининг 2017 йил 2 октябрдаги 499-сон “Вилоятда маиший чиқиндиларни сақлаш, ташиб кетиш фаолиятини тартибга солиш ҳақида”ги қарори.

33. Фарғона вилоят ҳокимининг 2017 йил 30 декабрдаги 628-сон “Фарғона вилоятининг 2018 йилги бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори.

34. Фарғона вилоят ҳокимининг 2018 йил 8 январдаги 4-сон “Фарғона вилоятида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

35. Фарғона вилоят ҳокимининг 2018 йил 8 январдаги 5-сон “Вилоят аҳолисига кўрсатилаётган биринчи тиббий-санитария, шошилиш ва тез тиббий ҳамда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

36. Фарғона вилоят ҳокимининг 2018 йил 15 мартдаги 133-сон “Вилоятда ижара муносабатларни тартибга солиш ҳамда 2018 йилда давлат кўчмас мулклари учун қўлланиладиган ижара ҳақининг ягона энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

37. Фарғона вилоят ҳокимининг 2018 йил 16 октябрдаги 523-сон “Вилоятда электрон аукцион савдоларига чиқарилаётган ер участкаларининг бошланғич нархларини белгилаш тўғрисида”ги қарори.

38. Фарғона вилоят ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги 638-сон “Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2019 йилги параметрлари тўғрисида”ги қарори.

39. Фарғона вилоят ҳокимининг 2020 йил 20 февралдаги 60-сон “Электрон аукцион савдоларда сотиладиган ер участкаларининг 2020 йил I ярим йиллик учун бошланғич нархларини белгилаш тўғрисида”ги қарори.